

Date: 5<sup>th</sup> April-2026

## МЎЪМИННИНГ ТАБАССУМИ ҲАМ САДАҚАДИР

Ботиров Баходир

Наманган вилояти Чуст туман "Охунбобо" жоме масжиди имом-хатиби

Ислом инсонларни эзгуликка, меҳрибонликка ва яхши муомалага чорлайди. Бу фазилатлар орасида табассум ҳам муҳим ўрин тутди. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: *"Биродарингизга табассум қилиб қарашингиз ҳам садақадир"*. Бу ҳадисдан англашиладики, инсонларга илиқ ва яхши муносабатда бўлиш, уларнинг қалбига хурсандчилик олиб кириш ҳам садақа ҳисобланади.

### 1. Табассум – инсоннинг гўзал хислати

Табассум инсонни гўзал кўрсатади, қалбда муҳаббат уйғотади ва муҳитни илиқлаштиради. Ҳар бир киши табассум қилганида атрофидаги одамларнинг кайфияти кўтарилади, дўстлик ва биродарлик мустаҳкамланади. Ислом шариатида табассум инсоннинг юз-кўринишидаги оддий ҳаракат эмас, балки қалбнинг юксаклиги ва инсоннинг муомала маданиятининг бир қисми сифатида қаралади.

### 2. Нега табассум садақа ҳисобланади?

Садақа – бу инсонга яхшилик қилиш, унга манфаат етказишдир. Садақа бериш фақат мол-дунё билан эмас, балки хушмуомалалик, яхши сўз ва табассум орқали ҳам бўлиши мумкин. Табассум садақа саналишининг бир неча сабаблари бор: Қувонч ва хурсандлик улашади – одамлар табассумли инсон билан мулоқот қилишни яхши кўришади. Меҳр-оқибатни кучайтиради – бир-бирига меҳр билан қараган инсонлар орасида муҳаббат пайдо бўлади. Ижобий муҳит ҳосил қилади – ширинсўзлик ва табассум кишилар ўртасида илиқ муносабатлар пайдо қилади. Юракка хотиржамлик бахш этади – табассумли инсоннинг қалбида ҳузур ва хотиржамлик бўлади.

### 3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ва табассум

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонларга ҳар доим хушмуомала бўлиб, табассум билан муомала қилар эдилар. Улар оғир вазиятларда ҳам табассумни тарқ қилмас, саҳобаларини илиқ сўзлар билан руҳлантириб турар эдилар. Абдуллоҳ ибн Ҳорис розияллоҳу анҳу шундай дейди: *"Мен Расулulloҳдан кўра кўпроқ табассум қилувчи одамни кўрмадим."* Бу эса мўъминлар учун катта ибратдир. Биз ҳам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сингари табассумли бўлишимиз ва бошқаларга хурсандчилик улашишимиз керак.

### 4. Табассумнинг инсон ҳаётидаги манфаатлари:

Илмий жиҳатдан қаралса табассум инсон саломатлиги ва жамиятдаги муносабатларга ижобий таъсир кўрсатишини исботлаган. Табассум: Кайфиятни кўтаради ва тушқунликни камайтиради. Одамлар ўртасида ишончни оширади. Жамиятда илиқ муносабатлар ҳосил қилади. Оғир вазиятларда ҳам хотиржамликни сақлашга ёрдам беради.

Хулоса



Date: 5<sup>th</sup> April-2026

Муъминнинг табассуми ҳам садақа экани ҳақидаги ҳадис инсонларни бири-бирига яхшилик қилишга ундайди. Табассум инсоннинг гўзал ахлоқи, меҳрибонлиги ва илиқ муомаласининг белгисидир. Биз ҳам ҳаётимизда кўпроқ табассум қилиб, атрофимиздагиларга хурсандчилик улашишга ҳаракат қилайлик. Чунки бирор инсонга ёқимли муомала қилиш ҳам ибодат саналади. Аллоҳ таоло бизга ҳамиша яхши муомалада бўлишни ва табассум орқали яхшилик улашишни насиб қилсин!

